

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 82

((exarid.uzex.uz) веб сайтыга 09.12.2022 йил куни жойлаштирилган LOT № 208319 га асосан)

Андижон шаҳри

19.12 2022 йил

Биз қуйида имзо чекувчилар, “Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ (келгусида матнда “БЮЮРТМАЧИ” деб юритилади) нинг Низом асосида фаолият кўрсатувчи бош директори Х.Юлдашев бир тарафдан ва “Saydullo stroy imkon” МЧЖ (келгусида матинда “ПУДРАТЧИ” деб юритилади) нинг Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари С.Салимов иккинчи тарафдан ушбу пудрат шартномасини қуйидаги мазмунда туздик.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

- 1.1. “Буюртмачи” 09.12.2022 йил кунида ((exarid.uzex.uz) веб сайтыга жойлаштирилган эълонга кўра, берилган LOT № 208319-рақамига асосан “Андижон ҲЭТК” АЖ тасарруфидаги Мархамат тумани электр таъминоти корхонаси маъмурий бино ва ишоотини мукаммал таъмирлаш ишлари бажаришни “Буюртмачи” нинг харид комиссияси томонидан овоз бериш (балли система) орқали танлаб олинган “Пудратчи” га юклайди.
- 1.2. “Пудратчи” мукаммал таъмирлашни лойиҳа ва смета ҳужжатларига асосан белгиланган муддатларда таъмирлаш ишларини амалга оширишни ўз зиммасига олади.
- 1.3. “Буюртмачи” “Пудратчи” га мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш учун шарт-шароит яратиб беради.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

- 2.1. “Андижон ҲЭТК” АЖ тасарруфидаги Мархамат тумани электр таъминоти корхонаси маъмурий бино ва ишоотини мукаммал таъмирлаш ишлари билан боғлиқ барча харажатларни инobatга олган ҳолда 2.477.900.000 (икки миллиард тўрт юзетмиш етти миллион тўққиз юз минг) сўмни ташкил этади.
- 2.2. Бажариладиган ишлар суммаси, иш хажмидан келиб чиқиб “Буюртмачи” нинг таклифига кўра, қайта кўриб чиқилиши мумкин.
- 2.3. Бажарилган ишлар хажми смета лойиҳада ва ушбу шартноманинг 2.1-бандида келишилган суммадан ортиб кетса, тарафлар ўртасида қўшимча қиёслаш далолатномаси (сличительная ведомость) расмийлаштириш йўли билан баҳоланади.

3. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

- 3.1. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоблар, амалга оширилган мукаммал таъмирлаш ишлари юзасидан “Пудратчи” га хизмат кўрсатаётган банк ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 3.2. “Буюртмачи” “Пудратчи” га шартноманинг умумий суммасини 15% фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни шартнома расмийлаштирилган кундан 10 банк куни ичида амалга оширади. Қолган қисмини “Пудратчи”

тарафидан мукаммал таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг, шакл №2 (форма 2) ва шакл №3 (форма 3) расмийлаштирилгандан сўнг 20 банк куни ичида тўланади.

3.3. Агар “Пудратчи” таъмирлаш объектини қисмларга бўлиб-бўлиб якунлаш кўзда тутилган бўлса ҳар бир мукаммал таъмирдан чиққан объектни якунлагандан сўнг “Буюртмачи”га тақдим этилган шакл №2 ва шакл №3 расмийлаштирилгандан сўнг 20 банк куни ичида тўловни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

3.4. Тарафларнинг келишувига асосан мазкур шартнома муддатидан аввал бекор қилинганда “Пудратчи” тугалланмаган объектда қилинган ишлар ҳажмини 5 кун ичида “Буюртмачига” ушбу шартноманинг 3.2-бандига риоя этган ҳолда топширади. “Буюртмачи” келишилган шартлар асосида топширилган ишларни тўловини амалга оширишини таъминлайди.

4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

4.1. Ушбу шартнома бўйича мукаммал таъмирлаш ишлари шартнома расмийлаштирилиб “Пудратчи”нинг банк ҳисоб рақамига дастлабки тўлов суммаси келиб тушган кунинг эртасидан бошланади.

4.2. Бажарилган ишлар муддатининг якуни мукаммал таъмирлаш юзасидан расмийлаштирилган лойиҳа ва бошқа ушбу шартномани бажарилишига таъсир этувчи ҳужжатлар асосида белгиланади.

4.3. Агар бажарилган ишлар лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилиб якунланса ва ушбу шартноманинг амал қилиш муддати доирасидан четга чиқмаса пудрат ишлари якунланган деб ҳисобланади.

5. БАЖАРИЛГАН ИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

5.1. “Буюртмачи” бажарилган ишни (унинг натижасини) ушбу шартномада назарда тутилган муддатда ва тартибда “Пудратчи” иштирокида кўриб чиқиши ва қабул қилиши, иш натижасини ёмонлаштирадиган даражада шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда эса, бу тўғрида “Пудратчи”га дарҳол маълум қилади.

5.2. Ишни қабул қилиш вақтида унинг камчиликларини аниқлаган “Буюртмачи” бу камчиликлар ёхуд уларни тузатиш тўғрисида кейинчалик талаб қўйиш мумкинлиги далолатнома ёки қабул қилишни тасдиқловчи бошқа ҳужжатда кўрсатилган ҳолларда уларни важ қилиб келтириш мумкин.

5.3. “Буюртмачи” иш қабул қилиб олинганидан сўнг унда пудрат шартномасидан чекинишлар ёки ишни қабул қилишнинг оддий усулида (очик кўриниб турган камчиликлар)ни аниқланиши мумкин бўлмаган бошқа хил камчиликлар (яширин камчиликлар)ни, шу жумладан, “Пудратчи” қастдан яширган камчиликларни аниқласа, улар аниқланганидан сўнг ўн кунлик муддат ичида бу тўғрида пудратчига хабар қилиши шарт.

5.4. “Буюртмачи” билан “Пудратчи”ўртасида бажарилган ишнинг камчиликлари ёки уларнинг сабаблари юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, “Буюртмачи”нинг талаби бўйича экспертиза тайинланиши мумкин. Экспертиза ўтказиш ҳаражатлари

“Пудратчи” зиммасида бўлади, экспертиза пудрат шартномаси бузилмаганлигини ёки “Пудратчи”нинг ҳаракатлари билан аниқланган камчиликлар ўртасида сабабий боғланиш йўқлигини аниқлаган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда экспертиза ҳаражатларини экспертиза тарафларнинг ўзаро келишуви билан тайинланган бўлса, иккала тараф тенг миқдорда тўлайди.

5.5. Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, “Буюртмачи” бажарилган ишни қабул қилишдан бош тортганида, “Пудратчи” шартномага биноан иш натижаси буюртмачига топширилиши керак бўлган кундан бошлаб бир ой ўтгач ва шундан кейин “Буюртмачи”ни икки марта огоҳлантирган ҳолда келтирилган зарарни “Буюртмачи”дан ундириб олиш мумкин.

5.6. Агар “Буюртмачи”нинг бажарилган ишни қабул қилишдан бош тортиши ишни топшириш кечикиб кетишига сабаб бўлган бўлса, тайёрланган (қайта ишланган) ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи ашё топширилиши лозим бўлган пайтда “Буюртмачи”га ўтган деб ҳисобланади.

6. БАЖАРИЛГАН ИШЛАРНИНГ СИФАТИ.

6.1. “Пудратчи” бажарган иш ушбу пудрат шартномасининг шартларига ёки одатда тегишли турдаги ишларга қўйиладиган талабларга мос келиши керак. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бажарилган иш натижаси “Буюртмачи”га топшириш пайтида шартномада кўрсатилган ёки одатда қўйиладиган талаблар билан белгиланган хусусиятларга эга бўлиши ва оқилона муддат давомида шартномада назарда тутилганидек фойдаланиш учун, агар у шартномада белгиланган бўлмаса, бундай турдаги ишнинг натижасидан одатдагидек фойдаланиш учун яроқли бўлиши керак.

6.2. Агар қонун ҳужжатларида пудрат шартномаси бўйича бажариладиган ишга қўйиладиган мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, тадбиркор сифатида иш олиб бораётган “Пудратчи” ишни бундай мажбурий талабларга амал қилган ҳолда бажариши шарт.

6.3. “Пудратчи” лойиҳа ҳужжатларида ва ушбу шартномада белгиланган мажбурий талабларга нисбатан сифат жиҳатидан бирмунча юқори талабларга жавоб берадиган ишни бажаришни пудрат шартномаси асосида ўз зиммасига олади.

7. ИШНИНГ СИФАТИГА КАФОЛАТ БЕРИШ ВА КАФОЛАТ МУДДАТИ.

7.1. Ушбу шартномада “Пудратчи” “Буюртмачи”га ишнинг сифатига кафолат беради, “Пудратчи” бутун кафолат муддати давомида ушбу шартноманинг 6.1-талабларига мос келадиган иш натижаларини “Буюртмачи”га топшириши шарт.

7.2. Ушбу шартномада ишлар натижасининг сифатига берилган кафолат ишнинг натижасини ташкил этувчи ҳамма нарсага тегишли бўлади.

7.3. Кафолат муддати “Буюртмачи” бажарилган иш натижасини қабул қилган ёки қабул қилиши лозим бўлган пайтдан ўта бошлайди.

7.4. Ушбу шартнома бўйича кафолат муддатини ҳисоблаш учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 404-моддасининг иккинчи, учинчи, қисмларида кўрсатилган қоидалар талабида ҳисобланади.

8. ТАРАФЛАРНИНГ ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.

8.1. “Пудратчи” томонидан ушбу шартномасидан четга чиққан ҳолда бажарилиб, иш натижасини ёмонлаштирган бўлса, ёки уни ушбу шартномада назарда тутилган мақсадлар ёки одатдаги мақсадлар учун фойдаланишга яроқсиз қилиб қўядиган бошқа камчиликлар билан бажарилган бўлса, “Буюртмачи” ўз хоҳишига кўра “Пудратчи”дан:

- камчиликларни оқилона муддатда бепул бартараф этишни;
- иш учун белгиланган баҳонимутаносиб равишда камайтиришни;
- “Буюртмачи”нинг камчиликларни бартараф этиш ҳукуқи назарда тутилган бўлса, уларни бартараф этишга қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

8.2. “Пудратчи” ишдаги ўзи жавобгар бўлган камчиликларни бартараф этиш ўрнига, “Буюртмачи”га шартномани бажаришни кечиктирганлик натижасида етказган зарарни қоплаган ҳолда ишни янгидан бепул бажариб беришга ҳақли. Бундай ҳолда “Буюртмачи” илгари ўзига топширилган иш натижасини, агар ишнинг характерига кўра уни қайтариб бериш мумкин бўлса, пудратчига қайтариб бериши шарт.

8.3. Агар ишдаги пудрат шартномаси шартларидан четга чиқишлар ёки бошқа хил камчиликлар жиддий ва бартараф этиб бўлмайдиган даражада бўлса ёхуд аниқланган камчиликлар “Буюртмачи” томонидан белгиланган оқилона муддатда бартараф этилмаган бўлса, “Буюртмачи” шартномани бажаришдан бош тортишга ва келтирилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

8.4. Пудрат шартномасининг муайян камчилик учун “Пудратчи”ни жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги шarti, агар бундай нуқсонлар пудратчининг айбли ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли вужудга келганлиги исботланса, пудратчини жавобгарликдан озод қилмайди.

8.5. Ишлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, “Пудратчи” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 10 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

8.6. Агар бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати стандартлар, техник шартлар, лойиха талаблари, намуналарга (эталонларга) қонун

хужжатларида ёки ушбу шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, “Буюртмачи” ишларни, хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, “Пудратчи”дан сифати, лозим даражада бўлмаган ишлар ва хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ва хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар, хизматлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

8.7. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига ишларнинг, хизматларнинг сифати лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

8.8. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида ишлар, хизматлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун “Буюртмачи” “Пудратчига” ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

8.9. Амалга оширилган ишлар, хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Буюртмачи” “Пудратчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,01 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

9. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

9.1. Тарафлар енгиб бўлмайдиган куч, фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятларда (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, ва бошқа табиий ва техноген офатлар) туфайли мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайдилар.

9.2. Содир бўлган форс-мажор ҳолатлари тўғрисида тарафлар бир-бирларини ушбу ҳолатлар юз бергани ҳолда зудлик билан иккинчи тарафга хабар бериши шарт.

9.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини давомийлигини ҳисобга олиб шартномани амал қилиш муддатини узайтиришлари мумкин.

9.4. Агар “Буюртмачи” Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарори, ёки ўзининг юқори турувчи органи томонидан ташкилий ҳуқуқий шакли ўзгарса ва бунинг натижасида шартнома шартларини бажара олмаса ёки шартнома бўйича тўловларни амалга ошириш мажбурияти Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ва унинг таркибига кирувчи “Худудий электр тармоқлари” АЖга боғлиқ бўлган ҳолда бажарилмай қолса “пудратчи” олдида жавобгар эмас.

10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ.

10.1. Тарафлар ўртасида мазкур шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар тарафлар келишуви билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган ҳолда низолар жавобгар жойлашган жойдаги иқтисодий судга мурожаат этиш йўли билан ҳал қилинади.

11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилиб, биринчи нусхаси “Буюртмачи” да, иккинчи нусхаси “Пудратчи” да сақланади ва бир хил кучга эга.

11.2. Ушбу шартнома бўйича барча ўзгартиришлар томонларнинг келишуви билан қўшимча келишув битимини расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади.

11.3 Шартноманинг амал қилиш муддати шартнома имзоланган кундан 1 йилга (365) кунни ташкил этади.

12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

“Андижон ҲЭТК ” АЖ
Манзил: Андижон шаҳар
А.Хайдаров кўчаси 53-уй
Телефон: 228-06-05, 223-49-08
Ҳ/Р: 2021 0000 4002 8597 2001
Банк: “ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК”
АТБ бош офиси

МФО: 00440, СТИР: 200 230 792

“Saydullo stroy imkon” МЧЖ
Манзил: Бўстон тумани,
Маориф МФЙ, Турон кўчаси 23
Телефон: +998 88 910 10 10
Х/Р: 2020 8000 6050 8699 0001
“Халқ банки” Бўстон филиали
МФО: 00628, СТИР: 306 487 932



Х.Б.Юлдашев



С.Салимов

Ир: *А.Хайдаров*
С.Салимов